

ТАЛАБАЛАРГА ГРАФИК ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШДА ПОЗИЦИОН ВА МЕТРИК МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШНИ ЎРГАТИШ

Абдиназар Атабаевич Абдиназар,

Жиззах давлат педагогика институти
Санъатшунослик факультети. Тасвирий
санъат ва мухандислик графикаси
кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада талабаларга график топшириқларни бажаришда позицион ва метрик масалаларни ечишни ўргатиш усуллари тўғрисида фикр юритилади.

Аннотация: В этой статье обсуждаются способы научить студентов решать позиционные и метрические задачи при выполнении графических задач.

Annotation: This article discusses ways to teach students how to solve positional and metric problems while performing graphics tasks.

Калит сузлар: Проекциялар текслиги, горизонтал текислик, франтал текслик, маҳсус чизиқлар, профил текислик, тўғри бурчак, текислик, тақдимот, PowerPoint.


Талабаларни график топшириқларни бажаришда позицион ва метрик масалаларни ечишни ўргатиш энг мураккаб методик масалалардан бири ҳисобланади. Позицион ва метрик масалаларни ечишни ўргатишида талабаларнинг хотирасини машқ қилдириш ва уларнинг мантиқий фикрлашларини ривожлантиришга асосий эътиборини қаратиш зарур бўлади. Бу метрик масалаларда берилган координаталар бўйича берилган шартлар ва ечиш усулларини эслаб қалиш, қаерга ва қандай чизишни аниқлашни ўрганиш заруриятлари билан боғлиқ. Мақолада бу материал босқичма-босқич ёритилган.

Талабаларни позицион ва метрик масалаларни ечишнинг аввал умумий ва оддий, кейинчалик эса бирмунча мураккаб ва маҳсус қоидалари билан танишиб бориши позицион ва метрик масалаларни ечишда билимлардан онгли равишида фойдаланишларига олиб келади.

Позицион ва метрик масалаларни қандай ечиш кераклигини аниқлаш зарурияти билан боғлиқ. Масалани ҳал қилиш учун обектнинг ҳолатини

ўрганиш, проекциялар текисликларга нисбатан унинг вазиятини эътиборга олиш керак.

Талабаларни позицион ва метрик масалаларни ечишни ўргатиша илк бор тўғри чизикнинг метрик муносабатларини **PowerPoint** да тақдимотларни яратиша анимация қўллаганда яхши натижага эришамиз(1-расм).



1-расм

Масалан, умумий вазиятда жойлашган тўғри чизик кесмасининг проекциялари орқали унинг ҳақиқий ўлчамини аниқлаш ва проекциялар текисликлари билан ҳосил қилган бурчакларини аниқлаш масаласи амалиётда кўп учрайди.


Тўғри бурчакли ABE учбурчакнинг AB гипотенузаси AE катет билан α бурчак ҳосил қиласи. Бу бурчак AB кесманинг H текислик билан ҳосил қилган бурчаги бўлади.

Тўғри чизик кесмасининг V проекциялар текислиги билан ҳосил қилган β бурчагини аниқлаш учун тўғри бурчакли ABF учбурчакдан фойдаланамиз. Бу учбурчакнинг BF катети AB кесмасининг фронтал проецияси $A''B''$ га, иккинчи AF катети унинг A ва B учларининг B текислиқдан узоқликларининг айирмасига тенг бўлади. Бунда $AF=AA''-BB''$, бўлиб, $BB''=FA''$ бўлгани учун $AF=AA''-FA''=\Delta u$ бўлади(2-а, расм).

Түгри бурчакли ABF нинг AB гипотенузаси BF катет билан ҳосил қилган β бурчак AB кесманинг V текислик ҳосил қилган бурчаги бўлади.

2-б, расмда AB кесманинг W текислик билан ҳосил қилган γ бурчагини аниқлаш кўрсатилган. Бу бурчакни аниқлаш учун тўгри бурчакли $DABF$ дан фойдаланамиз. Бу учбурчакнинг бир катети AB кесмасининг профил $A'''B'''$ проекциясига, иккинчи AB катети A ва B учларининг W текислиқдан узоқликлари айирмасига тенг бўлади. Бунда $AD=AA'''-BB'''$, бўлиб, $BB'''=DA'''$ бўлгани учун $AD=AA'''-DA'''=\Delta x$ бўлади.


AB тўгри чизик кесмаси ҳамда унинг H , V ва W текисликлардаги проекциялари берилган бўлсин (2-расм). Кесманинг A нуқтасидан $AE \parallel A'B'$ тўгри чизик ўтказилади ва тўгри бурчакли $\triangle ABE$ ни ҳосил қилинади. Бунда $BE=BB'-AA'$, бу ерда $AA'=EB'$ бўлгани учун $BE=BB'-EB'=\Delta z$ бўлади.




2-расм

Чизмада кесманинг берилган проекциялари орқали унинг ҳақиқий узунлиги ва проекциялар текисликлари билан ҳосил қилган бурчакларини аниқлаш учун юқоридаги фазовий модел асосида тўгри бурчакли учбурчаклар ясалади. Шунинг учун бу усулни **тўгри бурчакли учбурчак усули** деб юритилади.

Масалан, AB кесманинг $A'B'$, $A''B''$ ва $A'''B'''$ проекцияларга асосан унинг (3-а, шакл) ҳақиқий ўлчами ва H билан ҳосил қилган α бурчагини аниқлаш учун тўгри бурчакли $A'B'B_0$ учбурчак ясалади. Бу учбурчакнинг бир катети кесманинг горизонтал проекциясига, иккинчи катети эса кесманинг A ва B учларининг аппликаталари айирмаси Δ уга тенг бўлади. Бу учбурчак нинг $A'B_0$ гипотенузаси AB кесманинг ҳақиқий ўлчами, $A'B_0=AB$ бўлиб, $AB^H=\angle B'A'B_0=\alpha$ бўлади.



a)




b)

3-расм

Кесманинг V текислик билан ҳосил қилган β бурчагини аниқлаш учун түғри бурчакли $\Delta A''B''A_0$ ни ясалади. Бу учбуручакнинг бир катети кесманинг фронтал $A''B''$ проекциясига, иккинчи катети эса AB кесма учлари ординаталари айирмаси Δy га teng бўлади. Ҳосил бўлган $B''A_0=AB$ бўлиб, $AB^W=\angle A''B''A_0=\beta$ бўлади.

AB кесманинг W текислик билан ҳосил этган бурчагини аниқлаш учун эса түғри бурчакли $\Delta A'''B'''A_0$ ни ясаймиз (3,б-расм). Бу учбуручакнинг бир катети кесманинг профил $A'''B'''$ проекцияси, иккинчи катети кесма учларнинг W текисликтан узокликларнинг абсиссалар айирмаси Δx бўлади. Ҳосил бўлган $B'''A_0=AB$ бўлиб, $AB^W=\angle A'''B'''A_0=\gamma$ teng бўлади.




AB kesmaning A'B', A''B'' va A'''B''' проексиyalarga asosan uning haqiqiy o'lchami va W bilan hosil qilgan γ burchagini aniqlash

To'g'ri burchakli $AB\beta$ учбуручак yasaladi. Bu учбуручакning bir катети kesmaning gorizontal проексиyasiga, iikkinchi катети esa kesmaning A va B uchlarining applikatalari ayirmasi Δz ga teng bo'ladi. Bu учбуручакning AB гипотенузи AB kesmaning haqiqiy o'lchami, $AB\beta=AB$ bo'lib, $AB^W=\angle B\beta$ bo'ladi.

4-расм

PowerPoint да тақдимотларни яратишида анимация қўллаш босқичлари 4-5 расмларда намуналар кўрсатилган.



AB kesmaning $A'B'$, $A''B''$ va $A'''B'''$ проекцияларга асосан унинг ҳақиқи олчами и ва W билан ҳосил қилган γ бурчагини аниqlash

To'g'ri burchakli $AB\beta$ uchburchak yasaladi. Bu uchburchakning bir kateti kesmaning горизонтал проексиyasiga, ikkinchi kateti esa kesmaning A va B uchlaringin aplifikatalari ayirmasi Δz ga teng bo'ladi. Bu uchburchakning $AB\beta$ gipotenuzasi AB kesmaning ҳақиқи олчами, $AB\beta=AB$ bo'lib, $AB^{\alpha}H=\angle BABA\beta\alpha$ bo'ladi.

5-расм

Юқоридагидан келиб чиқиб талабаларнинг позицион ва метрик масаларни ечишини ўргатишида анимациялардан фойдаланиш, талабаларнинг фазовий тассавурини ривожлантиришда муҳим ахамият касб етади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Бубенников А.В. Начертательная геометрия. - М. : Высшая школа. 1985.-288 с.
2. Гордон В.Ю. и др. Начертательная геометрия. Под ред. Крылова Н.Н. М.. Высшая школа. 2000. 224-ст. усл. Печ. л. 18.45.
3. Ismatullaev R. Chizma geometriya. Toslikent, 2003. -111 b.
4. Михайленко В Е.. Пономарев А.М. Инженерная графика. Учебник. Киев. Выща школа. 1990. -303 с.
5. Murodov Sh. Xakimov L.. Odilov P.. Shoinuradov A.U.. Jumayev M. Chizma geometriya kursi. - Toslikent.: O'qituvchi. 1988. -363 s.
6. Фролов С.А. Начертательная геометрия. -М.: Машиностроение. 1983,-240 б.